BIZNES DAILY

Экономическая газета

# Биржа

Иқтисодий газетаси

www.biznes-daily.uz

#98(2981)
15.12.2022







## Президент аҳолининг иссиқлик таъминоти ҳолатини кўрди



**Давлатимиз раҳбари “Тошкент иссиқлик маркази” корхонасининг Чилонзор иссиқлик марказини бориб кўрди.**

Ушбу мажмуа 1969 йилда қурилган. Қозонхона 700 Гкал қувватга эга. Марказ 921 та кўп қаватли уй ва 100 дан ортиқ ижтимоий соҳа объектларига иссиқлик қувват етказиб беради.

Сўнгги кунларда об-ҳавонинг кескин совиб кетиши оқибатида газ босимининг пастлиги кузатилмоқда. Бу иситиш даражасига салбий таъсир қилмоқда.

Чилонзор иссиқлик марказида ҳам ускуна ва тармоқлар эскирган. Иссиқликни узатишда йўқотишлар бор.

Шу боис бу борадаги зарурий чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари иссиқлик ишлаб чиқаришнинг муқобил манбаларини излаш, қувурлар ва уйларда ҳароратни асраш зарурлигини таъкидлади.

Тошкент шаҳри туманларига электрда ишлайдиган 2 мегаваттли станциялар олиб келиб, қўшимча иссиқлик қувватлари яратиш таклифи маъқулланди. Бундай битта қурилма 1 минг 340 та хонадонга иссиқлик етказиб беради. Ишлаб чиқариш харажати камлиги эвазига нарх ошмайди.

Шавкат Мирзиёев кутилмаганда шу ердаги Ширин маҳалласини кириб кўрди. Аҳоли хонадонларида бўлиб, турмуш шароитлари, иссиқлик таъминоти билан қизиқди.

## Президент оилавий болалар уйида бўлди ва пойтахт фаоллари билан йиғилиш ўтказди

**Президент Шавкат Мирзиёев Учтепа тумани Найман маҳалласидаги оилавий болалар уйи билан танишди.**

Мамлакатимизда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар алоҳида эътиборга олинган. Давлат томонидан берилган имтиёзлар натижасида бундай болаларни ўз бағрига олаётган оилалар ортиб бормоқда. Жумладан, 131 та оилавий болалар уйлари ташкил этилиб, 808 нафар ўғил-қиз тарбияга олинган.

Учтепа туманидаги мазкур оилавий болалар уйи ҳам шу борадаги ишларнинг мантиқий давомидир. 2 қаватли бино Миллий гвардия томонидан реконструкция қилиниб, 12 та оила учун шароит яратилган. Барча хонадонлар маиший техника, мебел ва хўжалик жиҳозлари билан таъминланган.

Президентимиз шундай оилалардан бири – Иномжон ва Дилдора Давлатовлар хонадонида бўлди. Улар 4 нафар етим болани ўз қарамоғига олган.

Болажонлар ўз оиласи бўлишини орзу қилгани, давлат эътибори билан бу орзуси ушалганини айтишди.

Ота-оналарнинг ўз фарзандлари ва тарбияга олинган болалар шу ердаги 238-умумтаълим мактабида таълим олади.

Мажмуада 2 та спорт зали, мини-футбол стадиони, ўйин ва воркаут майдончалари, ёзги саҳна, хиёбон ташкил этилган. Манзарали ва мевали дарахт ниҳоллари экилган. Мўъжазгина томорқада рўзғорбоп маҳсулотлар етиштирилади.

Давлатимиз раҳбари ўқув ва спорт тўгаракаларини кириб кўрди, ёшлар билан суҳбатлашди.

Шу ерда Тошкент шаҳри туманларини маҳаллабай ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказилди.

Ўтган 11 ойда пойтахтимизда 650 та лойиҳа амалга оширилиб, 30 мингта иш ўрни яратилган. Хусусан, Учтепа туманида янги тадбиркорлик субъектлари сони 1 минг 110 тага кўпайган.

Тошкентда савдо, саноат ва хизматларни ривожлантириш учун катта имкониятлар борлиги қайд этилди. Бундан тўла фойдаланиб, пойтахтни ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш вазифаси белгиланди.



Президентимиз ижтимоий муаммоларни ҳал этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Пойтахтимизда 584 та маҳалла бор. Уларни обод қилиш, йўлларни яхшилаш бўйича кўп ишлар қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари навбатдаги режалар, аҳолининг талаб-истаклари юзасидан маҳалла раислари билан суҳбатлашди.

Улардан келиб чиқиб, 44 та ижтимоий объектни таъмирлаш, болалар боғчаси, поликлиника, истироҳат боғи ташкил этиш чоралари белгиланди.

Тошкент шаҳридаги 12 та иссиқлик марказининг барчаси 1968-1986 йилларда қурилган бўлиб, ускуналари эскирган. Шу боис, улардан 9 таси негизида иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқарувчи замонавий марказлар ташкил этилади. Натижада пойтахтимизда ҳар йили қўшимча 3 миллиард киловатт-соатдан зиёд электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Янги йил байрами арафасида бозорларга озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳам кўрсатмалар берилди.

КЎЧМАС МУЛККА БЎЛГАН ҲУҚУҚ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҲИМОЯЛАНАДИ

2

UZEX ҲАФТАЛИК ДАЙЖЕСТИ (05–11 ДЕКАБРЬ)

6

ИННОВАЦИОННЫЕ ПРИОРИТЕТЫ В ОБЕСПЕЧЕНИИ КАЧЕСТВЕННОЙ ПОДГОТОВКИ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ КАДРОВ

7

СОТРУДНИЧЕСТВО ВЫХОДИТ НА НОВЫЙ УРОВЕНЬ

8

Курс валют на 15.12.2022

| | |
|---|---|
| USD | 11256.21 |
| EUR | 12001.37 |
| RUB | 177.78 |
| CNY | 1620.13 |

#98(2981)
15.12.2022
BIZNES DAILY Биржа

# Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ давлат томонидан ҳимояланади

**2023 йилнинг 1 мартидан кучга кирадиган “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги қонун бунга асос бўлиб хизмат қилади.**

Бу ҳақда Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги томонидан ташкиллаштирилган матбуот анжуманида атрофлича маълумот ва тушунтириш берилди. Агентлик директори ўринбосари Мирсаид Мирмақсудовнинг таъкидлашича, ҳужжатдан кўзланган мақсад кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш ва мулкдорлар ҳуқуқларини давлат томонидан кафолатлаш ҳамда ҳимоя қилишни қонун даражасида амалга оширишдан иборат. Шундан келиб чиқиб, бу жараёнга оид асосий тушунчалар, ваколатли органлар, маълумотларни тақдим этиш тартиби, рўйхатдан ўтказувчилар мақоми, ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни ташкил этиш, низоларни судгача ҳал этиш, жавобгарлик мезонлари ёритилган.

Мавжуд тартиботлар, ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар, жараёнларнинг хусусиятлари умумлаштирилиб, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат реестри, рўйхатдан ўтказиш ишини ва бизнес жараёнларни электрон шаклда ахборот тизимлари орқали юритишга урғу берилган ҳолда, ягона тўғридан-тўғри амал қилувчи нормалар акс эттирилган. Қонун ер участкалари, бинолар, иншоотлар, шу жумладан, қурилиши тугалланмаган объектлар, кўп йиллик дов-дарахтлар ҳамда мулкий комплекс сифатида бутун корхоналарга нисбатан қўлланилади. Аммо, ер қаърига нисбатан татбиқ этилмайди.

Қонунда Вазирлар Маҳкамаси, Кадастр агентлиги ва Давлат кадастрлари палатасининг ваколатлари белгиланган. Жумладан, Давлат кадастрлари палатаси рўйхатдан ўтказувчи орган сифатида кўрсатилган. Бугунги кунда давлат хизматлари марказлари, нотариуслар, банклар, риэлторлик ташкилотлари, Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан маълумот ва ҳужжатлар электрон шаклда юборилиб, ушбу маълумот ва ҳужжатлар асосида ҳуқуқлар рўйхатдан ўтказилмоқда. Қонунда бу жараённи амалга оширувчилар воситачилар сифатида келтирилиб, уларнинг ҳуқуқлари ҳам белгиланган.



Қонунга мувофиқ, аввал ер участкасига бўлган ҳуқуқ, кейин эса ушбу ерда жойлашган бино ёки иншоотга бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилади. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишда юзага келган низоларни судгача ҳал этиш мақсадида комиссия ва апелляция комиссиялари ташкил этилади. Бу бўйича алоҳида нормалар қонунда ўз ифодасини топган.

Бир қатор қонун ҳужжатларидаги тегишли нормаларни тизимлаштириш мақсадида кўчмас мулкка бўлган ҳар бир ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўладиган 60 дан зиёд ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатларнинг аниқ рўйхати келтирилган.

Бугунги кундаги ер участкаларини хусусийлаштириш жараёни бошланганлиги муносабати билан хусусийлаштирилган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтиши алоҳида 33-моддада белгиланган. Мулк ҳуқуқини тасарруф қилишнинг турли ҳолатлари, жумладан, сотиш, ҳадя қилиш, мерос, устав фондига киритиш, устав фондидаги улушини қайтариб бериш мумкин бўлади.

Мутассадиларнинг таъкидлашича, 2018 йилга қадар фақат қурилиш тугалланган биноларга бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган. Амалиётда ер участкаси олинганидан кейин бирор сабабга кўра қурилишни давом эттириш имкони бўлмаган ҳолатларда қурилишни давом эттириш мақсадида қурилиши тугалланмаган объектларга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш механизми киритилган. Бунда гаров объектининг шаклланиши, шу билан бир қаторда турли хил товламачиликлар (котлован сотиш, пойдевор сотиш кабилар)нинг олдини олиш муҳимдир. Шу сабабли, қонунга бундай ҳолатларда мулкдорларга қулайлик ва имконият яратиш учун қурилиши тугалланмаган объектларга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги алоҳида 37-модда қўшилган.

Давлат рўйхатидан ўтказиш ҳаракатлари давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ариза ва ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатларни қабул қилиш, тақдим этилган ҳужжатларнинг ушбу қонун талабларига мувофиқлигини аниқлаш, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш, давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқлаш сингари қадамлардан иборат. Эътирофлиси, рўйхатдан ўтказишни рад этишнинг аниқ рўйхати қонуннинг 44-моддасида берилган.

Маълумки, бозор тамойилларига асосланган иқтисодиётда кўчмас мулк бозори ҳам фаол бўлиши зарур. Бу эса кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказишнинг содда механизмларини талаб этади. Мисол учун, мулкдор ўзига тегишли ер участкасининг бир қисмини сотмоқчи ёки ҳадя қилмоқчи бўлса унинг мурожаати асосида ушбу ер участкасини бир неча қисмга бўлиш имконияти бўлиши керак. Шу сабабли қонун билан кўчмас мулкни бўлиш, бир қисмини бўлиш ва бирлаштириш тушунчалари киритилган. Кўчмас мулк бир неча мулкдорга тегишли бўлган ҳолларда бу иш уларнинг, яъни, мулкдорларнинг ўзаро келишуви асосида бажарилади.

Журналистлар саволларига жавобан таъкидланишича, ҳужжат кучга киргунга қадар, мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиб, уларни ушбу қонун талабларига мослаштириш ишлари олиб борилади.

**Ойдин ЛАТИПОВА.**

---

# “Ипотека-банк” хусусийлаштирилди

**2020-2025-йилларда Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясига мувофиқ, йирик давлат банклари салоҳиятли инвесторлар томонидан босқичма-босқич хусусийлаштирилиши кўзда тутилган. Стратегиянинг айни шу йўналишдаги вазифаларини бажаришда биринчи амалий қадам қўйилди.**

2020 йил охиридан бошлаб Ўзбекистон банк секторини хусусийлаштириш жараёнларига фаол қизиқиш билдириб келаётган Венгриянинг OTP банки республикамизда ўзига хос ўринга эга банкларидан бири — “Ипотека-банк”ни сотиб олди. Бу жараёнда дастлаб ўтган йилнинг кузида ўтказилган музокаралар натижасида, банкни потенциал харид қилиш бўйича ўзаро англашув меморандуми имзоланган. Энди эса олди-сотди шартномасига қўл қўйилди.

Мазкур муҳим воқелик муносабати билан ташкил этилган матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — Инвестициялар ва ташқи савдо вазири Жамшид Ходжаев таъкидлаганидек, Венгрия юртимизнинг Европадаги асосий ва стратегик шериги ҳисобланади. Ушбу шартноманинг имзоланиши тарихий аҳамиятга эга, чунки, Ўзбекистон тарихида биринчи марта хорижий банк ўзбек банкини сотиб олмоқда. Бу Ўзбекистон-Венгрия муносабатларининг кейинги йилларда изчил кенгайиб бораётгани самараси бўлиб, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаб, Европа инвесторлари ҳамда бошқа йирик банклар ва компанияларнинг Ўзбекистонга сармоя киритиши учун имкон беради. OTP банкининг мамлакатимиз молия секторига кириб келиши банкларимизни трансформация қилиш, рақобатни ривожлантириш, рақамлаштириш ва умуман, банк хизматлари сифатини ошириш учун катализатор бўлиб хизмат қилади. Венгриянинг бу борадаги прагматик ёндашуви, тажрибаси ва ҳамкорликда ишлашга бўлган қатъияти орқали “Ипотека-банк”да янгиланган стратегиялар, замонавий банк маҳсулотлари, илғор корпоратив бошқарув стандартлари ва риск-менежменти тўлақонли жорий этилади.

OTP банк бошқаруви раиси ва бош директори Шандор Чаньининг қайд этишича, молия муассасаси Венгриядаги энг йирик банк саналиб, у OTP Groupнинг асосини ташкил қилади. Мазкур гуруҳ Марказий ва Шарқий Европа минтақасидаги етакчи молиявий гуруҳлардан бири бўлиб, молиявий ўсиш бўйича салмоқли натижаларга эришган, юқори рентабеллик, барқарор капитал ва ликвидлилик позицияларига эга. Ташкилот 11 мамлакатда 36 000 га яқин ходимни ўзида қамраб олган, деярли 16 миллионга яқин мижозга универсал молиявий хизматлар кўрсатиб келмоқда. OTP гуруҳи 2000 йилларнинг бошидан буён 23 та банкни муваффақиятли сотиб олган ва бирлаштирган. Бугунги кунда банк Венгрия, Болгария, Сербия ва Черногория бозорларида етакчи ҳисобланади ва Словенияда битим тузиш бўйича зарур рухсатномалар олганидан сўнг тез орада у бозорда ҳам етакчига айланиши кутилмоқда. OTP гуруҳи мулкчиликнинг диверсификацияланган, шаффоф тизимига эга ва 1995 йилдан бери Будапешт фонд биржасида рўйхатда туради. Ўзбекистон банк секторини хусусийлаштиришдаги иштироки ривожланиш учун ажойиб имкониятдир. Зеро, сўнгги ислоҳотлар натижасида очиқ бўлиб бораётган истиқболли иқтисодиётда мижозлар ва уларнинг эҳтиёжлари тез ўсиши кутилмоқда, бу эса Ўзбекистон банк бозори томонидан бизнес учун кўплаб янги имкониятларни таклиф этади. OTP банки ўз инновацион маҳсулот ва хизматлари билан Ўзбекистон иқтисодиётининг тараққиётига ўз ҳиссасини қўшади. “Ипотека-банк”нинг кредитлаш имкониятларини кенгайтириш, жумладан, кичик ва ўрта бизнес ҳамда ёшлар тадбиркорлиги лойиҳаларини молиялаштириш учун капиталини ошириш бўйича чоралар кўрилиши кўзда тутилган. Энг муҳими, мижозга йўналтирилган, барқарор фаолият ҳамда рақобатбардошлиликни таъминлашга устуворлик берилади.

“Ипотека-банк” активлар ҳажми бўйича бозорнинг 8,5 фоизлик улуши, 1,6 миллиондан ортиқ мижозлар (катта миқёсдаги корпоратив мижозлар) сонига, 39 та ҳудудий марказлар сифатида фаолият юритаётган филиал, 193 та хизмат кўрсатиш шохобчаларига эга бўлган Ўзбекистондаги бешинчи йирик банк ҳисобланади. Маҳаллий банк секторининг динамик ўсишига мос равишда банк активлари сўнгги уч йилда ошди, жумладан, банк кредит портфели ўртача 20 фоизга, депозит портфели эса 24 фоизга ўсди, дея эътироф этди бошқарув раиси Элёр Иномжонов. Унинг қайд этишича, имзоланган ҳужжат “Ипотека-банк”нинг ривожланиш ва трансформация жараёнларидаги муҳим босқич бўлиб, венгриялик ҳамкасблар билан ҳамкорлик банк ходимлари учун иш фаолияти давомида қулай муҳит ва имкониятлар яратади ҳамда мижозларга янги, ўзига хос тажриба ҳамда технологиялар орқали янада яхшироқ хизмат кўрсатилади. Кўплаб банк маҳсулотларини истеъмолчиларга етказишни тезлаштириш мақсадида рақамлаштириш ва автоматлаштириш ишлари шерикларнинг Европа стандартларига мос тажрибалари асосида давом эттирилади, мижозлар эҳтиёжини қондиришга қаратилган фаолиятни кучайтириш, ҳисоботларни халқаро андозаларга мувофиқ тайёрлашга тўлиқ ўтиш, инновацион банк хизматлари сонини кўпайтиришга катта эътибор берилади. Умуман, хорижий банкнинг маҳаллий бозорга кириб келиши рақобатга, корпоратив бошқарув тамойилларига тўла риоя этишга ундайди.

Тадбир якунида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

**Замира ТОЖИЕВА.**

# Пешку ва Ғиждувон туманларида қуввати 300-500 МВт бўлган шамол электр станциялари қурилмоқда

**Бухоро вилояти Пешку ва Ғиждувон туманларида ҳар бирининг қиймати 650 миллион АҚШ долларига тенг бўлган шамол электр станцияларини лойиҳалаштириш ва қуриш ишлари бошланган.**

Мазкур лойиҳалар Президентимизнинг 2021 йил 23 февралдаги “Бухоро вилоятининг Пешку ҳамда Ғиждувон туманларида қуввати 300-500 МВт бўлган шамол электр станцияларини қуришга доир инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Саудия Арабистони Қироллигининг “ACWA Power” хорижий компанияси сармояси асосида амалга оширилмоқда.

Лойиҳани амалга ошириш учун Бухоро вилояти ҳокимининг “Бухоро вилоятида шамол электр станцияси ва ҳаво электр узатиш тармоқларининг таянч қурилмаларини қуриш учун ер участкалари ажратиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга кўра Пешку ва Ғиждувон туманлари чўл массивларидан алоҳида ер майдонлари ажратилди.

Ғиждувон тумани “Кўкча” ҳамда Пешку тумани “Жонгелди” массивларидан қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган жами 122,91 гектар ер майдони шамол электр станцияси ва ҳаво электр узатиш тармоқларининг таянч қурилмаларини қуриш учун республика Энергетика вазирлигига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилган. Шамол электр станциялари ва подстанциялар қурилиши учун ажратилган ер участкалари эндиликда инвестиция лойиҳасини амалга ошириш муддатига тенг даврда лойиҳа компаниясига ҳаво электр узатиш тармоқларини қуриш учун “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖга ижарага берилмоқда.

Лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида юқоридаги қарорга мувофиқ Пешку туманида “ACWA Power Dzhankeldy Wind” ҳамда Ғиждувон туманида “ACWA Power Bash Wind” масъулияти чекланган жамиятлари тузилгани ҳолда зарур ташкилий чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Лойиҳаларни амалга ошириш доирасида Пешку ва Ғиждувон туманларида умумий қуввати 1000 МВт бўлган шамол электр станцияларини қуриш учун Саудия Арабистонининг “ACWA Power” компанияси мутахассислари билан ҳамкорликда лойиҳа ер майдонларида метео-мачталар ўрнатилган. 1 йиллик кўрсаткичларнинг таҳлили олинган. Шунингдек, компания томонидан лойиҳа ер майдонида қўшимча ўрганишлар, жумладан, биохилма-хиллик, топографик, геотехник ишлари ниҳоясига етказилган.

Кенг кўламдаги лойиҳа доирасида 2020 йилнинг август ойидан бошлаб Ғиждувон туманининг “Кўкча” ва “Аяк Атилма” чўл массивларида шамол тезлиги, йўналиши ва давомийлигини ўрганиш мақсадида 100 метр баландликдаги 9 та мачтани ўрнатиш ишлари якунлангани ҳолда кузатувлар бошланган. Бундан ташқари, шамол генераторлари ўрнатиладиган ҳудуднинг топографияси, гидрология геотехника ва бошқа ер қатламини ўрганиш ишлари якунига етказилган. Лойиҳа доирасида шамол генераторларини олиб келиш ва қуриш, мачталарни ўрнатишга доир бирламчи ишлар давом эттирилмоқда.



Президентимизнинг 2021 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2022–2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Пешку ва Ғиждувон туманларида шамол электр станцияларини қуриш лойиҳаларини молиялаштириш ишларини якунлаш йил давомида амалга оширилиши белгиланган. Бу жараёнда ҳар бир туманда барпо этилаётган шамол электр станцияси лойиҳа қиймати 650 миллион АҚШ долларига тенглиги ҳисоблаб чиқилган. Бунинг учун барча ташкилий ва қурилиш ишлари Саудия Арабистонининг “ACWA Power” компанияси сармояси ҳисобидан бажарилмоқда.

– Бу ишда бизга Хитой Халқ Республикасининг “China Energie Internationale Group” компанияси бош пудратчи сифатида яқиндан ҳамкорлик қилмоқда, – дейди “ACWA Power” компаниясининг Ўзбекистон Республикасида бизнесни ривожлантириш бўлими менежери Акбар Мавлонов. – Шу муносабат билан ўтган йил баҳор ойларида халқаро ҳамда маҳаллий экспертлар иштирокида Пешку ва Ғиждувон туманлари чўл зоналаридаги шамол электр станциялари қурилишининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш бўйича жамоатчилик эшитуви ташкил этилган. Муҳокамада “ACWA Power” компанияси, қолаверса, “Juru Energy” МЧЖ консалтинг компанияси мутахассис экспертлари, шунингдек, республика Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлигини сақлаш хизмати, ирригация бўлими мутасаддилари, маҳалла маъмурияти иштирок этди. Янгидан бунёд этилиши кутилаётган шамол электростанцияларнинг атроф-муҳитга таъсири хусусидаги лаборатория хулосалари, шунингдек, фикр-мулоҳазалар ўрганилган. Муҳими, муҳокамада ҳудуд инфратузилмасини янада яхшилашга хизмат қиладиган электростанциянинг атроф-муҳитга зарари йўқлиги таъкидлангани ҳолда мазкур ҳудудда қуввати 500 МВт гача бўлган шамол электр станцияси қурилишига розилик билдирилган.

Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бутун даври мобайнида шамол электр станциясини лойиҳалаштириш, молиялаштириш, қуриш ҳамда эксплуатация қилиш, ҳар бир инвестиция лойиҳаси бўйича юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни бартараф этган ҳолда жами дастлабки баҳолаш бўйича 650 миллион АҚШ доллари миқдорида тўғридан тўғри хорижий инвестиция маблағини жалб этиш улар зиммасида. Шунингдек, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ ва лойиҳа компаниялари ўртасида тўғридан-тўғри музокаралар натижасида имзоланган электр энергияси сотиб олиш тўғрисида битимлар ҳам маъқулланган.

Келишувга эришилган мазкур битимларга мувофиқ, лойиҳа компаниялари ишлаб чиқарилган электр энергиясини ягона харидор бўлган “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖга кафолатланган тарзда сотиш мажбуриятини олади. Қурилиш давридаги ўз мажбуриятларини лозим даражада бажарилишининг таъминоти сифатида 18 миллион АҚШ доллари миқдорида банк кафолати тақдим этади. Инвестор ва лойиҳа компаниялари шамол электр станцияларини ягона электр энергияси тармоғига улаш учун ҳаво электр узатиш тармоқлари ва бошқа электр иншоотлари қурилишини амалга оширади. Ушбу ишлар учун сарфланган харажатлар “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан 10 йил давомида ойлик тўловлар асосида қопланади.

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ 25 йил давомида электр энергиясини кафолатланган тарзда харид қилиш мажбуриятини олади ва электр энергияси учун тўловни миллий валютада амалга оширади.

Бугунга келиб эса шамол электр станцияси учун ажратилган Пешку туманида 154, Ғиждувон туманида эса 172 гектар ер майдонида мачталарни ўрнатиш, ҳар бир туман ҳудудида 2 та подстанцияни қуриш, шунингдек, лойиҳа давомида умумий узунлиги 291 километр масофадаги 500 кВт кучланишга эга ҳаво электр узатиш линиясини тортиш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳалар амалиёти бошланган.

Муҳими, мазкур лойиҳаларнинг Пешку ва Ғиждувон туманларида амалга оширилиши натижасида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилади. Электр энергиясини ишлаб чиқариш қувватлари ривожлантирилиши баробарида иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини энергия ресурслари билан барқарор ва сифатли таъминлаш имкони яратилади.

# Президент топшириғи амалда: табиий газ таъминоти янада яхшиланади

**Авлатимиз раҳбарининг 2021 йил 1-2 июнь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида “Термиз” эркин иқтисодий зонаси ва Термиз шаҳри истеъмолчиларини табиий газ билан таъминлаш учун Ангор тумани Баҳор маҳалласи ҳудудидаги “Қорақир” АГРСдан 38,9 километр масофага қувур ётқизиб, юқори босимли газ тармоғи қурилишини амалга ошириш юзасидан тегишли топшириқ берилган эди.**

Янги лойиҳанинг ишга туширилиши “Термиз” эркин иқтисодий зонаси ва Термиз шаҳридаги 16 та маҳаллага қишинёзин ишончли табиий газ етказиб беришга хизмат қилади. Айни пайтда “Ҳудудгаз Сурхондарё” газ таъминоти филиали қурилиш-монтаж бошқармаси ишчилари мазкур объектда юқори босимли қувурларни ётқизмоқда.

– Шу кунгача бунёдкорлар қарийб 30 километр масофага қувур ётқизди, – дейди “Ҳудудгаз Сурхондарё” газ таъминоти филиали директори биринчи ўринбосари З.Маманов. – Ушбу лойиҳани тезроқ ишга тушириш учун барча имкониятлардан самарали фойдаланилмоқда. Бу қувур орқали вилоят марказидаги “Гулистон”, “Каттабоғ”, “Гулираъно”, “Сурхон Соҳили”, “Мажнунтол”, “Юлдуз”, “Боғишамол”, “Мангузар”, “Чегара”, “Кокилдорота”, “Намуна”, “А.Навоий”, “Тинчлик”, “Жўйжангал”, “Маърифат”, “Меҳробод” маҳалла фуқаролар йиғинидаги истеъмолчиларга барқарор табиий газ етказиб бериш йўлга қўйилади.



Жанубдаги вилоятда 591 минг 373 та аҳоли хонадони ва 2 минг 115 та улгуржи истеъмолчи газ ёқилғисидан фойдаланади. Хонадонларнинг 116 минг 162 таси табиий ва 475 минг 209 таси суюлтирилган газ билан таъминланади. Соҳа мутахассисларининг айтишича, воҳадаги газ қувурларининг узунлиги 2 миллион 397 минг 392 километрни ташкил этади. Унинг 192 минг 937 километри юқори босимли, 642 минг 630 километри ўрта босимли, 1 миллион 561 минг 825 километр қисми паст босимли газ қувурларидир. Истеъмолчиларга 2 минг 541 дона газ тақсимлаш пункти орқали табиий газ етказиб берилмоқда.

Воҳада жорий йилги қиш фаслининг бошланишида аҳолини табиий ва суюлтирилган газ билан узлуксиз таъминлаш жараёнида ечимини кутаётган айрим камчиликлар борлиги аниқланди. Шунга кўра, газчилар қишнинг совуқ кунлари юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиб, вилоят ҳудудидаги газ қувурларининг созлигини қайта кўздан кечирмоқда. Жойлардаги қувурлар “маҳаллабай” кесимда таъмирланиб, юз бериши мумкин бўлган носозликларнинг олди олинаётир.

Мутахассисларнинг маълумотига кўра, 2017-2021 йилларда воҳанинг 220 дан ортиқ маҳалласида 120 мингдан зиёд хонадоннинг табиий газ таъминоти тубдан яхшиланди. Бунинг учун 125,9 километр газ тармоғи ва 257 дона газ тақсимлаш пункти янгиланди. Ангор туманидаги “Қорақир” АГРСдан вилоят марказига тортилаётган янги юқори босимли газ тармоғида қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилгач, Термиз шаҳридаги 10 мингтага яқин кўп қаватли уй ва якка тартибдаги турар-жой бинолари, ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий соҳа тармоқлари узлуксиз табиий газ билан таъминланади.

BIZNES DAILY

# Биржа

#98(2981) 15.12.2022

- Биржа савдолари натижалари
- Биржа бюллетенлари
- Котировкалар, листинглар
- Танлов ва тендерлар
- Қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг муҳим фактлари
- Банкротлик

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 20 апрелдаги ажримларига асосан қуйида келтирилган корхоналарга нисбатан тўловга қобилиятсизлик иши қўзғатилиган ва кузатув тамойили қўлланилган.

| Т/р | Хўжалик юритувчи субъект номи | СТИР | Ажрим рақами |
|---|---|---|---|
| 1 | “Amon-Azim savdo” МЧЖ | 301577966 | 4-1001-2211/10329-рақамли |
| 2 | “Asadbek Flagman” МЧЖ | 303753191 | 4-1001-2211/10328-рақамли |
| 3 | “Amirjon Temurjon Farm” МЧЖ | 302360019 | 4-1001-2211/10330-рақамли |

Муваққат бошқарувчи этиб О.Адхамжанов тайинланган. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Кредиторларнинг биринчи йиғилиши Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, 270-уй манзилида (бинонинг иккинчи қаватида) бўлиб ўтади. (Вакил ишончнома билан қатнашиши шарт!)

**Маълумот учун тел.:** 93-504-33-60, 90-004-33-60.

Ўзбекистон Республикаси “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонуннинг 52-, 53-, 243-моддалари тартибида

| ФХ ва ташкилотлар номи | СТИР | Иқтисодий суднинг қарори | | Тугатиш бошқ. |
|---|---|---|---|---|
| “Asia trade development” MCHJ | 306554294 | 4-1801-2201/5440 | 05.12.2022 | Кадиров Х.С |
| “Ta’minot lyuks baraka” MCHJ | 308501153 | 4-1801-2201/5441 | 05.12.2022 | Кадиров Х.С |
| “Bunyodkor-omad” MCHJ | 307037328 | 4-1801-2201/5442 | 05.12.2022 | Кадиров Х.С |
| “FFF Holding” MCHJ | 307953676 | 4-1801-2201/5443 | 05.12.2022 | Кадиров Х.С |
| “Flamingo-stroy” MCHJ | 307065404 | 4-1801-2201/5444 | 05.12.2022 | Кадиров Х.С |
| “Strong couple” MCHJ | 307259605 | 4-1801-2201/5445 | 05.12.2022 | Кадиров Х.С |
| “Mega transpartyor drujba” MCHJ | 308514065 | 4-1801-2201/5446 | 05.12.2022 | Кадиров Х.С |

Юқоридаги корхоналарга нисбатан соддалаштирилган тартибда банкрот деб эътироф этилган. Ушбу қарздорларга нисбатан даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой давомида Қарши шаҳри, А.Темур кўчаси, 43-уйда қабул қилинади. Шунингдек, мазкур корхоналарнинг муҳр, тамға ва таъсис ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси “Тўловга кобилиятсизлик тўғрисида”ги қонуннинг 52-, 53-, 243-моддаларига кўра 3 кун муддат ичида тугатиш бошқарувчисига топширилмаган тақдирда бекор қилинади ва дубликат ясатилади.

**Аукцион савдо хабарномаси.**

## “Auksion konsalting invest” масъулияти чекланган жамияти

**мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган аукцион савдога таклиф этади!**

“Пахтасаноаттранс” МЧЖнинг 2022 йил 6 декабрдаги 79-буюртма хатига асосан, “Пахтасаноаттранс” МЧЖ ҳисобида бўлган қўйидаги техник носоз бўлган автотранспорт воситаларини бошланғич баҳодан кам бўлмаган баҳода, дастлабки биринчи ва иккинчи савдоларни ёпиқ аукцион тарзда тасдиқланган рўйхатга асосан жамият ишчи ходимлари ўртасида ташкил қилинишини ва дастлабки (биринчи ва иккинчи) савдоларда сотилмаган автотранпорт воситаларини очиқ аукцион савдолари орқали сотилишини маълум қиламиз.

| Т/р | Авторанспорт воситаси номи ва русуми | Т/В тури | Давлат рақами | Ишлаб чиқарилган йили | Бошланғич баҳоси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | ZIL 4505 | Юк ўзи ағдарувчи | 80/ 191 OAA | 1989 йил | 10 204 000 |
| 2 | KAMAZ 5320 | Юк бортли | 80/ 509 NAA | 1988 йил | 38 542 000 |
| 3 | KAMAZ 5320 | Юк бортли | 80/ 189 OAA | 1986 йил | 36 506 000 |
| 4 | ZIL 133 GYA | Махсус автокран | 80/ 205 OAA | 1989 йил | 14 447 000 |
| 5 | ZIL 431610 | Юк бортли | 80/ 209 OAA | 1981 йил | 14 567 000 |
| 6 | KAMAZ 5320 | Юк бортли | 80/ 204 OAA | 1989 йил | 37 758 000 |

Аукцион савдо 2023 йил 16 январь куни соат 12.00 да Бухоро вилояти, Ромитан шаҳри, Хўжа Азизон кўчаси, 2-уй, “Пахтасаноаттранс” МЧЖ маъмурий биносида бўлиб ўтади. Аукцион савдо шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2023 йил 23, 30 январь, 6, 13, 20, 27 февраль ҳамда 6, 13, 20, 27 март кунлари соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Мазкур мулклар Бухоро вилояти, Ромитан шаҳри, Хўжа Азизон кўчаси, 2-уй, “Пахтасаноаттранс” МЧЖнинг автотураргоҳ биносида сақланмоқда.

**Талабгорлар диққатига!**

Аукционга қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришномада кўрсатилган аукцион савдо ўтказилидиган куни, савдо бошланишидан бир кун олдин (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар “савдо ташкилотчиси” билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулкни бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдоридаги закалат пулларини олдиндан савдо ташкилотчиси “Auksion konsalting invest” МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим:

АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” Бухоро минтақавий филиали, х/р: 20218000100741296001, МФО 00440, СТИР 304668960.

**Савдо ташкилотчиси** – “Auksion konsalting invest” МЧЖ.

**Буюрманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:** Бухоро шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 10-уй.

**Тел.:** 90-710-49-10 .

**Гувоҳнома:** 0000829.

“Биржа” газетасининг 2022 йил 20 октябрдаги 81(2964)-сонида “Auksion konsalting invest” МЧЖ томонидан берилган эълонида “Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖга тегишли 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 18-94 ЕЗ бўлган, “Т28х4” русумли техник носоз тракторнинг “бошланғич баҳоси – 3 490 084,5 сўм” ўрнига “бошланғич баҳоси – 2 580 900 сўм” деб ўқилсин.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 24.10.2022 йилдаги 4-1001-2219/55142-рақамли, 4-1001-2219/55143-рақамли ва 02.11.2022 йилдаги 4-1001-2207/55765-рақамли ажримларига асосан қуйида келтирилган корхоналарга нисбатан тўловга қобилиятсизлик иши қўзғатилиган ва кузатув тамоили қўлланилган.

| Т/р | Хўжалик юритувчи субъект номи | СТИР | Ажрим рақами |
|---|---|---|---|
| 1 | “Maxsit Koshonasi” МЧЖ | 205680412 | 4-1001-2219/55142-рақамли |
| 2 | “Fayz-Farm” МЧЖ | 203846348 | 4-1001-2219/55143-рақамли |
| 3 | “Vita More” МЧЖ | 303111659 | 4-1001-2207/55765-рақамли |

Қарздор корхоналарга нисбатан тўловга қобилиятсизлик иши қўзғатилиган ва кузатув тамойили қўлланилган. Муваққат бошқарувчи этиб Б.Ш. Нуруллаев тайинланган. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Кредиторларнинг биринчи йиғилиши Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Хадра мавзеси, 12-а уй манзилида (бинонинг иккинчи қаватида) бўлиб ўтади.

(Вакил ишончнома билан қатнашиши шарт!)

**Маълумот учун тел.:** 95-788-43-13.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 4 ноябрдаги 4-1001-2218/45318-рақамли ҳал қилув қарори билан “Glav qurilish beton invest” МЧЖ банкрот деб эълон қилиниб, банкротликнинг тугатишга доир иш юритиш таомили жорий қилинганлигини ҳамда жамиятга тугатиш бошқарувчиси этиб Болиқулов Беркин Холдорович тайинланган.

“Glav qurilish beton invest” МЧЖнинг молия-хўжалик фаолиятини аудит текширувидан ўтказиш ва мавжуд кўчар ҳамда кўчмас мулкларини баҳолаш бўйича танлов эълон қилинади.

“Glav qurilish beton invest” МЧЖнинг кредиторлар йиғилиши 2023 йил 20 январь куни соат 10.00 да Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор 9-тор кўчаси, 1-уйнинг 315-хонасида бўлиб ўтади.

Йиғилишда қуйидаги масалалар, яъни, тугатиш бошқарувчиси томонидан корхонанинг банкротлиги бўйича тугатишга доир иш юритиш жараёнида амалга оширилаётган ишлари юзасидан ҳисоботи, кредиторлар талаблари реестрини тасдиқлаш, тугатиш режаси ва харажатлар сметасини тасдиқлаш, қарздор корхонанинг тугатиш массасини шакиллантириш, кредиторлар қўмитаси аъзоларининг сони ва уларни сайлаш, жамиятнинг мол-мулкларини аниқлаб саноқдан ўтказиш ва мавжуд бўлган мол-мулкларни бахолатиш ва сотувга чиқариш, тугатиш бошқарувчига тўланадиган иш ҳаққи миқдорини белгилаш ва бошқа масалалар кўриб чиқилади.

Кредиторлар томонидан билдирилган талаблар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор 9-тор кўчаси, 1-уйнинг 315-хонаси манзилида қабул қилинади.

Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро Давлат солиқ испекциясининг аризасига кўра Денов туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 28 мартдаги 4-1905-2203/111-рақамли ҳал қилув қарорига асосан **“Jarqo’rg’on meva-sabz avot eksport”** (СТИР 303185274) **МЧЖ** банкрот деб топилган, тугатишга доир иш юритиш олиб борилмоқда. Мазкур суднинг 2022 йил 7 декабрдаги ажримига кўра тугатиш бошқарувчиси Ш.Сафаров ўз аризасига асосан тугатиш бошқарувчиси вазифасидан озод қилиниб, унинг ўрнига 2-тоифали суд бошқарувчиси А.Ўнгбоев тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланди. Шунингдек, “Jarqo’rg’on meva-sabzavot eksport” МЧЖ кредиторларининг навбатдаги йиғилиши 2022 йил 19 декабрь куни соати 15.00 га Термиз шаҳри, М.Қошғарий кўчаси, 36-а уйда ўтказилиши белгиланди. **Мурожаат учун тел.:** 99-677-11-76.

Косон туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 17 ноябрь кунги 4-1804-2202/1806-рақамли ажримига асосан **“Koson yog’-ekstraksiya” давлат акциядорлик бирлашмаси** (СТИР 200690364)га нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатилиб, кузатув жорий қилинган. Муваққат бошқарувчи этиб Духмаров Алибой Марқаевич тайинланган.

Косон туманидаги “Koson yog’-ekstraksiya” давлат акциядорлик бирлашмасининг кредиторлари йиғилиши 2023 йил 16 январь куни соат 11.00 да Косон тумани, Бухоро йўли кўчаси, 1-уйда ўтказилади.

**Йиғилиш кун тартиби:**

1. Муваққат бошқарувчининг ҳисоботи.
2. Кредиторлар реестирини тасдиқлаш.
3. Қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизликни таомилларидан бирини қўллаш ва суд бошқарувчисининг номзодини кўрсатиш.
4. Муваққат бошқарувчисига ойлик иш ҳақини белгилаш.
5. Бошқа масалалар.

Қарздорга нисбатан талаб билдираётган барча корхона, ташкилотлар ва бошқа субъектлар вакиллари қарздорликни тасдиқловчи таққослама далолатнома билан, овоз бериш учун ваколатнома асосида кредиторлар йиғилишида қатнашишлари сўралади. Кредиторлар вакиллари ушбу йиғилишда қарздорлик тўғрисида маълумот билан асосланган солиштирма далолатнома, шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва ваколатнома билан қатнашишлари шарт.

Кредиторларнинг қарздорга нисбатан талаблари мазкур эълон чиққан кундан бошлаб ўттиз кун ичида қабул қилинади.

**Маълумот учун телефон:** 97-310-11-44.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг ажримлари билан қуйидаги корхоналарга нисбатан тўловга қобилиятсизлик (банкротлик) тўғрисида иш қўзғатилиб кузатув жорий қилинган ҳамда муваққат бошқарувчиси этиб Чутов Мамаюсуп Омонович тайинланган.

| Т/р | СТИР | Корхона номи | Тошкент туманлараро иқтисодий судининг (ажрими, ҳал қилув қарори)нинг | | Манзили |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | санаси | рақами | |
| 1 | 306099877 | “Lufian” МЧЖ | 18.11.2022 | 4-1001-2213/58735 | Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 5-а уй |
| 2 | 205929638 | “Hosib investment” МЧЖ | 18.11.2022 | 4-1001-2213/58738 | Шайхонтоҳур тумани, Охунбобоев майдони 3-уй, 1-хона |
| 3 | 304421042 | “Best line realtor” МЧЖ | 18.11.2022 | 4-1001-2213/58737 | Сергели тумани, Мехригиё кўчаси, Хабибий маҳалласи |
| 4 | 205866994 | “VBM building group” МЧЖ | 18.11.2022 | 4-1001-2213/58736 | Яшнобод тумани, Боку кўчаси, 179-а уй |
| 5 | 305474110 | “Saladin” МЧЖ | 01.11.2022 | 4-1001-2207/55668 | Миробод тумани, Сайхун кўчаси, 166-уй, 123-хонадон |

Мазкур қарздор корхоналарнинг биринчи кредиторлар йиғилиши 2023 йил 19 январь куни соат 10.00 да Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор 9-тор кўчаси, 1-уйнинг 315-хонасида бўлиб ўтади ҳамда кредиторлар 19.01.2023 йил куни соат 9.30 дан бошлаб рўйхатга олинади.

Бўлиб ўтадиган йиғилишда қуйидаги масалалар, яъни, кузатув жараёнида амалга оширилган ишлар бўйича муваққат бошқарувчининг ҳисоботи, кредиторлар талаблари реестрини тасдиқлаш, суд санацияси ёки ташқи бошқарув тартиб-таомилини жорий этиш ҳақида илтимоснома билан судга мурожаат қилиш, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида илтимоснома билан судга мурожаат этиш, кредиторлар қўмитаси аъзоларининг сони ва уларни сайлаш,санация қилувчи бошқарувчининг, ташқи бошқарувчининг ёки тугатувчи бошқарувчининг номзодларини маъқуллаш, муваққат бошқарувчига тўланадиган иш ҳаққи миқдорини белгилаш ва қонунда назарда тутилган бошқа масалалар кўриб чиқилади.

Кредиторлар томонидан билдирилган талаблар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор 9-тор кўчаси, 1-уйнинг 315-хонаси манзилида қабул қилинади. **Тел.:** 99-888-00-83.

Жиззах туманлараро иқтисодий судининг 25.11.2022 йилдаги ҳал қилув қарорларига биноан **“Qilichbek zottor quyonlari” оилавий корхона** (СТИР 307752246), **“Omad plyus brend” оилавий корхона** (СТИР 307864676), **“Chayish garant qurilish” хусусий корхона** (СТИР 306334046), **“Jizzax irrigatsiya invest” хусусий корхона** (СТИР 302335958)лар соддалаштирилган тартибда банкрот деб эътироф этилиб тугатишга доир иш очилган. Тугатиш (суд) бошқарувчиси этиб Х.Хайдаров тайинланган.

Шу муносабат билан барча кредиторлар 10.01.2023 йилда соат 9.00 бошланадиган банкротлик иши бўйича кредиторларнинг 1-йиғилишига таклиф этилади. Кредиторлар йиғилиши Жиззах шаҳар ДСИ биносида бўлиб ўтади.

Кредиторлар вакили ишончнома ва қарздорликни тасдиқловчи ҳужжатлар билан келиши лозим.

Ғаллаорол туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 2 декабрдаги 4-1302-2201/861-рақамли ҳал қилув қарорига асосан Ғаллаорол туманидаги **“Star of sale” МЧЖ** (СТИР 306818280) тўловга қобилиятсизликнинг соддалаштирилган таомили бўйича тўловга қобилиятсиз деб эътироф этилиб тугатишга доир иш очилган, тугатиш бошқарувчи этиб К.Мамадиёров тайинланган.

Кредиторлар талаблари эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 19.01.2023 йилда соат 11.00 да Жиззах вилояти ДСБ биносида ўтказилади. **Мурожаат учун тел.:** 94-344-77-87. Ушбу юридик шахсларга тегишли бўлган думалоқ муҳри ва бурчакли штамплари бир ой ичида тугатиш (суд) бошқарувчига топширилмаган тақдирда бекор ҳисобланади.

Урганч туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарорларига асосан қуйидаги юридик шахсларга нисбатан банкротлик таомилининг тугатиш жараёни жорий қилинди:

| Т/р | Ташкилот номи | СТИР | Ҳал қилув қарори рақами | Санаси |
|---|---|---|---|---|
| 1 | “Textile premier” MCHJ | 307033713 | 4-2201-2203/4112 | 01.12.2022 й. |
| 2 | “Semurg media entertainment” MCHJ | 305633940 | 4-2201-2203/4111 | 01.12.2022 й. |
| 3 | “Savdo plaza” MCHJ | 308058965 | 4-2201-2203/4110 | 01.12.2022 й. |
| 4 | “Feruz-savdo-plus” MCHJ | 307118455 | 4-2201-2203/4109 | 01.12.2022 й. |
| 5 | “Forest service Kharezm” MCHJ | 306016615 | 4-2201-2203/4108 | 01.12.2022 й. |
| 6 | “Bravo suroj savdo” MCHJ | 307528998 | 4-2201-2203/4107 | 01.12.2022 й. |

Шу сабабли, ушбу юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатлари ҳамда думалоқ муҳр (печат) ва тўртбурчак тамға (штамп)лари 10 (ўн) кун ичида тугатиш бошқарувчига топширилмаса мазкур эълон чиқарилган кундан эътиборан ҳақиқий эмас деб топилади.

Кредиторлар ўз талабларини эълон чиқарилган кундан эътиборан 1 (бир) ой муддат ичида тугатиш бошқарувчисига билдиришлари мумкин.

**Мурожаат учун манзил:** Урганч шаҳри, Хива кўчаси, 2-йўлак, 24-уй.

**Телефон:** 93-257-23-66.

Дўстлик туманлараро иқтисодий судининг 4-1304-2202/706-рақамли иш 17.03.2022 йил ҳал қилув қарори билан соддалаштирилган тартибда банкрот деб топилган Пахтакор туманидаги **“Tulpor nasllari” фермер хўжалиги** (СТИР 302329465)га доир банкротлик иши мазкур иқтисодий суднинг 15.11.2022 йил ажрими билан иш юритиш тугатилиб, банкрот деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори ижро этилмаслиги белгиланди.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 22.11.2022 йилдаги ҳал қилув қарорига асосан **“Universal food group”** (СТИР 302250788) **МЧЖ** банкрот деб топилиб, тугатиш бошқарувчи этиб Нуролиев Актам Абдукаримович тайинланган.

Кредиторлар талаблари эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади. Кредиторлар йиғилиши 17.01.2023 йил соат 16.00 да Тошкент шаҳар ДСБ биносида ўтказилади. Ушбу жамиятга тегишли бўлган муҳр ва бурчак штамп 10 кун ичида тугатиш бошқарувчига топширилмаган тақдирда бекор қилинган ҳисобланади.

**Мурожаат учун тел.:** 97-891-44-94.

**Йиғилиш кун тартиби:**

1. Кредиторлар реестрини тасдиқлаш.
2. Тугатиш бошқарувчининг хисоботи.
3. Бошқа масалалар.

Термиз туманлараро иқтисодий судининг 13.12.2022 йилдаги ажримига асосан **“Хо’ja-M” хусусий корхонаси** соғламлаштирилиб, тикланди.

Шунингдек, Термиз туманлараро иқтисодий судининг 13.09.2022 йилдаги ҳал қилув қарорига асосан **“Eco Vision” МЧЖ**га нисбатан Ўзбекистон Республикаси “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонунида назарда тутилган банкротликнинг умумий тартибида банкрот деб эътироф этилган ва тугатиш бошқарувчиси этиб Ш. Сатторов тайинланган.

“Eco Vision” МЧЖга нисбатан янги очилган ҳолат бўйича кўчмас мулки аниқланганлиги сабабли қарздорни тугатиш бошқарувчиси томонидан жамиятнинг мавжуд мол-мулкларини йўқлама қилиш ва кўчмас-мулкнинг бозор баҳосини аниқлаш мақсадида мустақил баҳоловчи ташкилотлар ўртасида танлов ўтказилади, баҳолаш ишларини амалга ошириш учун тегишли ҳужжатларга эга бўлган баҳолаш ташкилотларини 2022 йил 22 декабрга қадар беришлари сўралади.

Кредиторлар йиғилиши 2022 йил 24 декабрь куни соат 11.00 да Термиз шаҳри, М.Қошқарий кўчаси, 36-а уйда бўлиб ўтади, йиғилиш иштирокчиларидан ўз ваколатини тасдиқловчи ҳужжат билан қатнашиш талаб этилади.

Банкрот деб эътироф этилган жамиятнинг фаолиятига оид гувоҳнома ва низомининг асл нусхалари, юмалоқ муҳр ва бурчак тамға эълон чиққан кундан 10 кун муддат ичида тугатиш бошқарувчисига топширилмаган тақдирда йўқолган деб эътироф этилиб, бекор қилинган деб ҳисобланади.

**Маълумот учун тел.:** 88-845-88-28.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарорлари билан қуйидаги келтирилган корхоналар тўловга қобилиятсиз деб топилган ва уларга нисбатан соддалаштирилган тартибда тугатишга доир иш юритиш бошланган ҳамда ушбу қарорлар билан корхоналарга тугатиш бошқарувчи этиб Нуруллаев Бехзодилла Шавкатович тайинланган.

| Т/р | Корхона номи | СТИР | Ҳал қилув қарори | |
|---|---|---|---|---|
| | | | санаси | рақами |
| 1 | “Zinnura farm” МЧЖ | 304019106 | 25.11.2022 | 4-1001-2207/55089 |
| 2 | “Malikabonu fayz farm” МЧЖ | 30784466 | 25.11.2022 | 4-1001-2207/55088 |
| 3 | “Bek-pharm-plyus” МЧЖ | 307681264 | 25.11.2022 | 4-1001-2207/55087 |
| 4 | “Original invest farm” МЧЖ | 30387924 | 25.11.2022 | 4-1001-2207/55082 |
| 5 | “Billur med farm invest” МЧЖ | 307597218 | 25.11.2022 | 4-1001-2207/55083 |
| 6 | “Feruz-tarona” МЧЖ | 300055564 | 25.11.2022 | 4-1001-2207/55094 |
| 7 | “Family invest pharm” МЧЖ | 307543506 | 25.11.2022 | 4-1001-2207/55092 |
| 8 | “Naimahon farm” МЧЖ | 303243676 | 25.11.2022 | 4-1001-2207/55090 |

Банкрот корхоналарга тегишли бўлган думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари 10 кун муддатда тугатиш бошқарувчисига топширилмаган тақдирда бекор қилинади.

Ушбу корхоналарга нисбатан талаблар эълон чиққан кундан эътиборан бир ой давомида қабул қилинади. Мазкур корхоналарнинг 1-кредиторлар йиғилиши 2023 йил 19 январь куни соат 15.30 да Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Хадра мавзеси, 12-а уй манзилида (бинонинг иккинчи қаватида) бўлиб ўтади. Йиғилишга келган кредиторлар шахсини тасдиқловчи ҳужжат, ишончнома ва солиштирма далолатнома билан қатнашишлари шарт.

**Маълумот учун тел.:** 97-733-17-07, 95-788-43-13.

Определением Куйичирчикского межрайонного экономического суда от 6 декабря 2022 года по делу №4-1103-2202/2258 **ООО «Leader group beton»** (ИНН 305 323 203) возбужденно дело о неплатежеспособности и в отношении данного предприятия введена процедура наблюдения. Данным определением суда временным управляющим назначен Ниязметов Фарход Зафарович.

Определением Куйичирчикского межрайонного экономического суда от 6 декабря 2022 года по делу №4-1103-2202/2258 слушание дела отложено на 6 декабря 2023 года на 10:00 (судья Э.Р. Курбонов).

**Контактные телефоны:** (93) 384-24-00, (98) 368-24-00.

**Почтовый адрес:** 100019, Республика Узбекистан, город Ташкент, Алмазарский район, ул. Ш. Илохий, дом 37.

